ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “ЖАЙРОН” ЭКОЛОГИК МАРКАЗИНИНГ АҲАМИЯТИ

Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ўқитувчиси

Сабохат Кадиркуловна Ахмедова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро вилоятида жойлашган “Жайрон” экологик марказининг минтақада экотуризмни ривожлантиришдаги имкониятлари ва аҳамиятига эътибор қаратилган. Бухоро вилояти ўзининг бой маданий тарихи эвазига мамлакатимиздаги етакчи туристик марказ ҳисобланади. Бу вилоятда туризмнинг тарихий, архитектура, археология ва зиёрат туризми каби турлари яхши ривожланган. Шу сабабли бу мақолада вилоятда экотуризмни ривожлантиришга сабаб бўлувчи объектлардан бири бўлган “Жайрон” экологик марказининг имкониятлари ва унинг келажакдаги аҳамияти хақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Экомарказ, экология, парваришхона, қўриқхона, жайрон, экотуризм, туризм, фауна, флора, табиат, чўл, архитектура, зиёрат.

THE IMPORTANCE OF «JAYRON» ECOLOGICAL CENTER IN THE DEVELOPMENT OF ECOTURISM IN BUKHARA REGION

Muhammadismoil Mukhitdinovich Mahmudov
Teacher, the Faculty of Natural Sciences,
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Sabokhat Kadirkulovna Akhmedova
Master of Science, Faculty of Natural Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

ABSTRACT

This article focuses on the opportunities and importance of the “Jayron” Ecological Center in Bukhara region in the development of ecotourism in the region. Bukhara region is a leading tourist center in the country due to its rich cultural history. Types of tourism such as historical, architectural, archeological and pilgrimage tourism are well developed in this region. Therefore, this article discusses the potential of the Jayron Ecological Center, which is one of the factors contributing to the development of ecotourism in the region, and its future importance.

Keywords: Ecocenter, ecology, care, reserve, gazelle, ecotourism, tourism, fauna, flora, nature, desert, architecture, pilgrimage.

КИРИШ

XX асрнинг 60 йилларига келиб жахон иқтисодиётида саноат тармоқларини жадаллик билан ривожланиб бориши оқибатида ер юзидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги айрим турлар йўқолиб кета бошлади. Ушбу давр бутун туризм саноатини атроф-муҳитга дўстона муносабатда бўлувчи – экотурист деб аталувчи янги турдаги саёҳатчилар тоифасининг юзага келиши билан ифодаланади [1; 248-б.].

Республикамиз табиатини асраб-авайлаш, ноёб ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар, шунингдек, қушларнинг камайиб бораётган турларини сақлаб қолиш, шу асосда жойларда экотуризмни ривожлантириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ҳисор”, “Сурхон”, “Китоб”, “Зомин” ва бошқа шу каби қўриқхоналарда маҳаллий ҳамда хорижлик сайёҳларга мамлакатимиз табиатининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб борилмоқда. Айнан биз тадқиқ этмоқчи бўлган Бухоро вилоятида жойлашган “Жайрон” экологик маркази ҳам ўзининг фауна ва флора дунёси билан экотуризм билан шуғулланувчи хорижлик сайёҳларни эътиборини тортиши билан аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экотуризмнинг илмий-назарий масалалари бўйича Ўзбекистон ва хориж мамлакатларидаги географ ва иқтисодчи олимлар қатор тадқиқот ишларини олиб борганлар. Экотуризм ҳақидаги манбалар илк бор XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида хорижлик олимлар Р.Давидов, А.В.Дроздов, В.В.Храбовченко, Т.В.Бочкарёва, Л.И.Егоренков ва А.Таксановларнинг асарларида кўриб чиқилган. Ўзбекистонда экотуризмнинг илмий-назарий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

асосларини А.Н.Нигматов, Н.Т.Шамуратова, М.Хошимов ва Б.Х.Камоловлар томонидан ўрганилган.

Жахон туризм ташкилоти (ЖТТ) экологик туризмга қисқача қуйидагича таъриф берган: “Экологик туризм табиат туризмининг барча шаклларини ўз ичига олади, бунда туристларнинг асосий интилишлари табиатни кузатиш ва у билан мулоқотда бўлиш ҳисобланади” (ВТО. Технический задание, 2001). Сайёҳларнинг экотуризмга қизиқиши уларни табиатни муҳофаза қилиш, уни асраб-авайлашга бўлган муносабатини мустаҳкамлашга хизмат қилади. “Экотуризм-бу табиатга йўналтирилган туризм тури бўлиб, ўз ичига экологик таълим ва маърифатни қамраб олувчи ҳамда экологик барқарорлик тамойиллари асосида амалга оширилувчи туризм шаклидир”[3]. Дархақиқат “Жайрон” экологик марказида ҳам маҳаллий ва хорижлик туристлар учун қизиқарли маршрут ва дастурлар тузиш, ўқувчи ёшлар учун очиқ дарсларни табиат қўйнида ўтказиш ҳамда талабалар билан экоэкспедициялар ташкил қилиш ёш авлодда экологик маданиятни шакллантиради.

Экологик туризм туристик хизматларни амалга оширишга оммавий туризмга нисбатан анча кам харажат ва кам моддий ресурсларни сарфлашга асосланади, унда қимматбаҳо меҳмонхоналар ва сервис хизматлари ўрнини табиатда дам олиш, уй-меҳмонхона ва чодирларда яшаш каби арзонга тушадиган хизматлар эгаллайди[2; 14-б.]. Ҳудди шундай “Жайрон” экологик марказида ҳам зарур бўлган маршрутлар давомида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун от, йўлтанламас автомобиллар, квадроцикл, live-камералар, фотоқопқонлар ижарасини йўлга қўйиш, марказ ҳудудида бир неча кузатув минораси ва улар бўйича махсус маршрутни яратиш орқали сайёҳлар сонини оширишга эришиш ва юқори даромад олиш мумкин.

“Экотуризм ўз ичига 3 та асосий мезонларни қамраб олади: туристларни жалб қилувчи диққатга сазовор объектлар табиий бўлади (масалан, флора, фауна, геологик хусусиятлар) ва бунда маданий муҳит хусусиятлари аҳамият касб этади ҳамда асосий эътибор бориладиган минтақадаги табиий ресурсларга юмшоқ таъсир қилишга қаратилади” [4; 792-816 б.]. Бухоро вилояти бутун дунёга ўзининг тарихи, маданияти, тарихий-маданий мерос объектлари билан машхур саналади. Биз томонимиздан ўрганилаётган мавзу айнан вилояти экотуризмида фауна дунёсининг аҳамияти ва унинг жозибадорлигига бағишланади.

Ушбу мақолада абсракт-мантиқий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, эксперт таққослаш усулларидан фойдаланилган. Соҳа

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

олимлари томонидан жаҳонда экологик туризмни ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Профессор Асқар Ниғматов "Экотуризм ва Ўзбекистонда унинг келажак истиқболлари" мақоласида, экотуризм сайёхлик бозорининг 10-20 фоизни қамраб олган, ўсиш суръати эса туризм индустриясининг умумий ўсиш суръатидан бир неча маротаба юқори эканлигини алоҳида таъкидлаган. Бу жараёнда туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш, табиат ва туризм ўртасидаги мувозанатни сақлаш, экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда мамлакат миллий иқтисодиётида экотуризмнинг улуши ва самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

НАТИЖАЛАР

Географик жойлашувига Ўзбекистонни океан ва денгизлардан узоқда жойлашганлиги, табиий очиқ сув ҳавзалари ҳажмининг кичик эканлиги эвазига мамлакат асосан тоғ ва тоғ олди, адир минтақалар, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (АМЭТҲ)да экотуризмни ривожлантиради. Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза этилаётган худудлари таркибида 8 та давлат қўриқхонаси мавжуд бўлиб, улар жами 2164 км майдонни эгаллаган. Шунингдек, 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика "Жайрон" экомаркази 6061 км майдонни ишғол этган. Булардан ташқари 9 та давлат буюртмахоналари мавжуд бўлиб, улар 12186 км майдонга эга. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 км, ёки Ўзбекистон худудининг 5,2 % ини ташкил этади [6].

XX асрнинг 70-йилларида собиқ иттифоқ ҳудудида жайронларни кўпайтириш учун 13 та парваришхона ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Улар жайронларнинг бир неча тури яшаётган ёки аввал яшаган республикаларда-Туркманистон, Озарбайжон, Грузия, Тожикистон, Ўзбекистонда тузилиши назарда тутилган. Амалда жайронларга ихтисослашган 7 та парваришхона ташкил этилди[9]. Ҳозирги кунга келиб, улардан фақат Бухоро вилоятидаги "Жайрон" Экомарказ парваришхонаси фаолиятини давом этирмоқда.

"Жайрон" экологик маркази 1977 йилда ташкил топган бўлиб, Бухоро шаҳридан 42 км масофада жануби-шарқий йўналишда Бухоро-Қарши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

магистрал йўли яқинида, Қизилқум чўлининг жануби-ғарбида, Аму- Бухоро машина канали шимолида жойлашган. Майдони -16,5 минг гектар бўлиб, унинг фаолияти жайронларнинг йўқолиб бораётган ноёб турларини кўпайтиришга қаратирилган. Бундан ташқари, парваришхона ҳудудида Ўзбекистоннинг Қизил китоби ва Халқаро Қизил китобга киритилган жониворлар ҳамда ўсимликларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд [8].

Дастлаб экомарказ “Жайронларни кўпайтириш бўйича Бухоро махсус парваришхонаси” деб номланган. Унинг вазифаси бу ноёб ҳайвон турини кўпайтириш, биологияси ва популяция ресурсларидан рационал фойдаланиш муаммоларини ўрганиш бўлган. Кейинчалик, жайронларни кўпайтириш бўйича ижобий натижаларга эришилгач, парваришхона бошқа ноёб ҳайвон турлари-қулон, сайғоқ, Бухоро буғуси, Пржевальский оти, йўрға тувалоқ, қоплонларни кўпайтириш билан ҳам шуғуллана бошлади. 1998 йил 26 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан парваришхонага “Жайрон” Экомаркази номи берилди. Бугунги кунда “Жайрон” Экомаркази йўқолиб бораётган турдаги жониворларни кўпайтириш, уларнинг биологиясини ўрганиш ҳамда ҳайвонот боғлари ва шахсий коллекциялар билан ноёб турдаги ҳайвонларни алмашиш билан шуғулланади. Ҳозирги даврда Экомарказ жайрон, қулон, Пржевальский оти, Бухоро буғуси (хонгул) ва бурама шоҳли эчки (морхўр)ни кўпайтириш билан шуғулланмоқда[5]. Бухоро вилоятида экотуризмни ривожлантириш учун “Жайрон” экомарказида туристик инфраструктурани ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айнан бу каби кўринишидаги ҳайвонларни кўпайтиришга ихтисослашган қўриқхона “Бадайтўқай давлат қўриқхонаси” бўлиб, ундаги асосий мақсад ҳам йўқолиб бораётган ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган. “Угом-Чотқол табиат миллий боғи” да эса асосан йўқолиб бораётган ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, бу объектдан асосан рекреация мақсадларида кенг фойдаланилади.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра Моможурғоти ва Саритош платолари орасидаги 5145 га чўл ландшафтлари (эрозион ботиқ) 1-ҳудуд сифатида ажратиб олинган. Бу ҳудуд асосан парваришхона бўлиб, ноёб тур ҳайвонлари сақланади ва кейинчалик 2-ҳудудга қўйиб юборилади. Чўл флораси ва фаунаси кенг тарқалган ҳудуд жайронлар яшайдиган табиий ҳудудларга тўла мос келади. Чўл ландшафти бағрида учта ботиқларда умумий майдони 108,3 га тенг кўллар (акватория) бунёд этилди. Бухоро “Жайрон” экологик маркази умумий узунлиги 36 км ли сим тўрли чегара билан ўраб олинган [7].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

Бугунги кунда экомарказнинг умумий ер майдони 16522 гектарга етиб, унда 3 та кўл, 5 хил ҳайвонлар мавжуд. Жайрон экомарказида 1та морхўр (бурамашохли тоғ эчкиси), 953та жайрон, 155та Туркман кулони, 24та Пржевальский отлари, 48та алхар, 2 та буғи. Сўнги йилларда юқорида санаб ўтилган жонворларни ҳам илмий асосда кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жайрон экомаркозининг асосий вазифаси бу табиатдаги ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш, кўпайтириш ва биологик ўрганиш;

Жануби-ғарбий Қизилқум чўлининг фауна ва флора дунёсини муҳоқаза қилиш;

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

Ёшларда экологик маърифатни шакллантириш;

Экологик туризм.

Жайрон экологик маркази экотуристик объект ҳисобланади. Экомарказга ташриф буюрган саёҳлар Қизилқум чўлининг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан бевосита танишишади. Сайёҳлар экологик маркази ҳудудида йил давомида ҳаётий шакли ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг 250 дан ортиқ турлаини кузатишлари мумикн. Шунингдек, бу ерда ҳайвонлардан 32 турдаги сут эмизувчиларни, қушларнинг йил давомидаги 250 дан ортиқ турларини, судралиб юрувчиларнинг 18 турини, балиқларнинг 8 тури ҳамда 700 турдан ортиқ умуртқасизларни учратишлари мумкин.

Экотуристик маршрут дастури таркибига экомарказда ташкил қилинган музейдаги ҳайвонларнинг бош суяги коллекцияси сайёҳларда жуда катта қизиқиш уйғотадаи. Бу коллекция бебаҳо бўлиб, у Ўзбекистон илмий фондининг илмий рўйҳатига киритилган. Шунингдек, саёҳат давомида туристлар “Қизил китоб”га киритилган сут эмизувчиларнинг 5 тури узун игнали типратикан, жайрон, қулон пржевальский оти, бухоро тоғ қўйи кабилар билан яқиндан танишадилар.

Бундан ташқари “Қизил китоб”га киритилган қушлардан пушти пеликон, жингалак пеликон, кичик “баклан”, кичик оқ цапля, сариқ цапля, Туркистон оқ лайлаклари, қора лайлак, калпица, фламинго, оқ қуши, кликун оқ қуши, пискулка ғози, оқ кўз пироки, скана, оқдумли орлан, қора гриф, ботқоқ бургути, ботқоқ пустёлкаси, шахин, дрофа-прасотка ва бошқа шу каби 30 турдаги қушларни йил мавсумига мос ҳолда учратишлари ҳам мумкин.

Судралувчилардан кулранг эчки эмар ва афғон литоринги каби ноёб турларини, балиқлардан эса катта Амударё “лопатонос”, оқ кўз, щуковидный

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

жерех, Туркистон мўйловдори, Орол шипровкаси каби камёб турларни сайёҳлар маршрут давомида кузатишлари мумкин.

МУҲОКАМА

Келажакда экомарказ бўйлаб экскурция қилиш, ўтовларда яшаш, йўлтанламас автотранспорт воситалари, квадротцикл, от ва туяларда қум барханлари бўйлаб саёҳат, чўл ҳайвонот боғи, экологик боғ, шунингдек миллий таомлар ва салқин ичимликлар тайёрланадиган тематик кафелар, саҳналаштирилган шоу чиқишлар каби хизматларни йўлга қўйиш орқали экотуризмга қизиқувчи маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мумкин. Шу билан биргаликда экомарказнинг турли жойларига кузатув миноралари ва кузатув майдончаларини бунёд қилиш билан жониворлар ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятлари яратилади.

Бу тадбирлар ва туристларнинг экомарказга ташрифи шу ерда яшовчи ҳайвонларнинг яшаш тарзига ҳалал бермаслиги эътиборга олиниши зарур. Экомарказда туристик инфратузилмани шакллантириш эвазига ушбу ҳудуд атрофида истиқомат қилувчи аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлашга эришилади. Унга туташ бўлган аҳоли манзилгоҳларида хизмат кўрсатиш соҳалари, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ҳариди жонланади, гастрономик маҳсулотларга бўлган талаб ортади.

ХУЛОСА

Адабиётлар таҳлили ва “Жайрон” экологик маркази мисолида олиб борилган ўрганишлар натижасидан хулоса қилиш мумкинки, экотуризмни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли, энг аввало маҳаллий миқёсда туристик имкониятларни ўрганиш, унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш истиқболини белгилашдан иборат;

Географик тадқиқотлар предметидан келиб чиқиб – ҳудудийлик, даврийлик, комплекслик принципларини инобатга олган ҳолда туристик экскурциялар, маршрутлар ва дастурларни ишлаб чиқишда бошқа туризм турлари билан бир қаторда Бухоро вилоятида экотуристик маршрутларни ҳам қўшиб олиб бориш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир;

Бухоро вилояти ўзининг қадимий тарихий-маданий мерос объектларига бой бўлгани боис, бу минтақада тарихий, архитектура ва зиёрат туризми яхши ривожланган. Келажакда ушбу маршрутлар таркибига алоҳида муҳофаза

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

этиладиган табиий ҳудуд сифатида “Жайрон” экологик марказини ҳам киритилиши вилоятга келган туристларда катта қизиқиш уйғотади;

Экомарказ ҳудудида ҳайвонот дунёсининг яшаш тарзига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда туристик инфратузилмани яратиш орқали маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар оқимини оширишга эришиш мумкин;

Мактаб ўқувчиларининг табиий фанлар бўйича ўтказиладиган “Очиқ дарс”лари, вилоятдаги Олий таълим муассасаларининг лабаратория ва амалий машғулотлари, дала амалиёти ҳамда илмий изланувчиларининг тадқиқот ишларини “Жайрон” экологик марказида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда ташкил этилиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш, ватанни севиш каби қатор ўзининг ижобий натижаларини беради деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Ледовских Е.Ю., Моралева Н.В., Дроздов А.В. Экологический туризм на пути в Россию: принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула. «Гриф и К». 2002. –с. 248
2. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.: IQTISODIYOT,2016. 14-б.
3. Commonwealth Department of Tourism (1992), Australian National Ecotounsm Strategy, Canberra.
4. Weaver, D.B. (1999), «Magnitude of Ecotourism in Costa Rica and Kenya», Annals of Tourism Research, Vol. 26, No. 4. -pp.792-816.
5. Саттаров Абдисамат Умиркулович, Намозов Джурабек Абдуазизович, Раджабов Фуркат Туракулович. (2021 год). Влияние пастбищного животноводства на сельскохозяйственные угодья Самаркандской области. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* , *25* (2), 447–451. Получено с http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/969
6. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
7. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). “Yevrosiyo materigi”ni o'qitishda “keys stadi” metodidan foydalanish usullari. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

8. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047
9. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100
10. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017
11. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
12. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Гулчеҳра Абдуллаевна Ешимбетова (2021). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 779-785. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00261
13. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
14. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
15. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.
16. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00436

17. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.03.2021).
18. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
19. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87
20. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
21. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Адҳам Абдуғаниевич Ниязов (2021). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 707-720. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00255